



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: info@xs.uz • 2019 йил 17 октябрь, № 215 (7445) Пайшанба Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЧОРВАЧИЛИК ВА БОҒДОРЧИЛИК ТАРМОҚЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 16 октябрь куни чорвачилик ва боғдорчилик тармоқларини ривожлантириш бўйича устувор вазифаларга бағишланган йиғилиш ўтказди.

Мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалиги соҳаси ривожига ушбу тармоқларнинг муҳим эканлиги инobatта олинди, кейинги икки йилда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат кўмитаси, "Ўзбекчорванаси", Боғдорчилик ва иссиқхона ҳўжалигини ривожлантириш, Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентликлари ташкил этилди.

Чорвачилик соҳасида маҳсулдорликка эришиш учун, аввало, наслчилик масалаларига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Йиғилишда Молия вазирлиги, Иқтисодийёт ва саноат вазирлигига хорижий тажриба асосида наслчиликни ривожлантириш ва маҳсулот нарҳини пасаитириш учун харажатнинг бир қисmini субсидиялаш механизмини ишлаб чиқиш бўйича топшириқ берилди.

Чорвачилик соҳасида маҳсулдорликка эришиш учун, аввало, наслчилик масалаларига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Йиғилишда Молия вазирлиги, Иқтисодийёт ва саноат вазирлигига хорижий тажриба асосида наслчиликни ривожлантириш ва маҳсулот нарҳини пасаитириш учун харажатнинг бир қисmini субсидиялаш механизмини ишлаб чиқиш бўйича топшириқ берилди.

Чорвачилик соҳасида маҳсулдорликка эришиш учун, аввало, наслчилик масалаларига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Йиғилишда Молия вазирлиги, Иқтисодийёт ва саноат вазирлигига хорижий тажриба асосида наслчиликни ривожлантириш ва маҳсулот нарҳини пасаитириш учун харажатнинг бир қисmini субсидиялаш механизминини ишлаб чиқиш бўйича топшириқ берилди.

Чорвачилик соҳасида маҳсулдорликка эришиш учун, аввало, наслчилик масалаларига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Йиғилишда Молия вазирлиги, Иқтисодийёт ва саноат вазирлигига хорижий тажриба асосида наслчиликни ривожлантириш ва маҳсулот нарҳини пасаитириш учун харажатнинг бир қисmini субсидиялаш механизминини ишлаб чиқиш бўйича топшириқ берилди.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Меценатлик тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 14 августда қабул қилинган Сенат томонидан 2019 йил 11 октябрда маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади меценатлик соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Меценатлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Меценатлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир. Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг меценатлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Ушбу Қонуннинг қўлланилиш соҳаси

Ушбу Қонун маданият ва санъатни ривожлантириш мақсадида хомийлик фаолиятини амалга ошириш чоғида юзага келадиган муносабатларга нисбатан татбиқ этилади.

4-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади: **меценатлик (меценатлик фаолияти)** — маданият ва санъат, шунингдек илм-фан, таълим, маърифат ҳамда маданият ва санъатни ривожлантириш билан боғлиқ бошқа фаолият соҳасида жисмоний ва юридик шахслар томонидан амалга оширилаётган хомийлик фаолияти;

меценат — меценатлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний ёки юридик шахс; **меценатлик кўмагини олувчи** — меценатлик кўмаги хисобида маданият ва санъатни сақлаш ҳамда ривожлантириш билан боғлиқ фаолиятни амалга оширувчи жисмоний ёки юридик шахс. **меценатлик кўмаги** — меценатлик фаолияти доирасида меценатлик томонидан бегараз ёки имтиёзли шартлар асосида меценатлик кўмагини олувчиларга бериладиган мол-мулк, шунингдек улар учун бажариладиган ишлар, кўрсатиладиган хизматлар ва қўллаб-қувватлашнинг бошқа турлари.


2-боб. Меценатлик фаолиятини мақсадлари, принциплари ва қафолатлари

5-модда. Меценатлик фаолиятини амалга ошириш мақсадлари

Меценатлик фаолияти қуйидаги мақсадларда амалга оширилади: Ўзбекистон Республикасининг маданий мерос объектларини сақлаш, муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратиш; маданият ва санъат соҳасидаги касбий фаолиятни қўллаб-қувватлаш;

(Давоми 2-бетда).

Трент Келли: «Ўзбекистон — минтақавий лидер»



Интервью

Хўш, икки давлатнинг ўзаро ҳамкорлиги нима учун муҳим? "Америка овози" телерадиоси муҳбири Навбахор Имомова АҚШ Конгресси Вакиллар палатаси аъзоси, АҚШ Конгрессида "Ўзбекистон бўйича Кокс" — дўстлик гуруҳи раҳбари Трент Келлидан шу ҳақда интервью олди. Маърузу суҳбатнинг энг муҳим жиҳатларини эътиборингизга ҳавола этамиз.



Давра суҳбати

Олий Мажлис Сенатида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг 30 йиллигига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда сенаторлар, таниқли тилшунос олим ва мутахассислар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

МИЛЛАТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ КАФОЛАТИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 4 октябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги Қонуни қабул қилинганнинг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарори ушбу санага бағишлаб давлат даражасида қабул қилинган алоҳида ҳужжатдир.

— Жаҳоннинг қадимий ва бой тилларидан бири бўлган она тилимиз халқимиз учун миллий ўзликни англаш, мустақил давлатчилик тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик ҳамда энг асосийси, буюк қадрият ҳисобланади, — дейди Сенатнинг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари кўмитаси раиси Иқболжон Мирзаалиев. — "Давлат тили ҳақида"ги Қонунга биноан ўтган йиллар давомида она тилимиз мустақам ҳуқуқий асос ва юксак мақомага эга бўлди. Бугунги кунда ўзбек тили ҳаётимизнинг барча жаҳасида — давлат ва жамият бошқаруви, давлатлараро муносабатлар, илм-фан, таълим-тарбия, тиббиёт, маданият ва санъат соҳаларида фаол қўлланилмоқда, халқаро минбарлардан баралла янграмоқда. Шу билан бирга, ҳар қандай миллатга хос энг олий қадриятлар, инсоний фазилатлар, фикрлаш тарзи айнан тилда акс этади. Шу жиҳатдан она тилини муҳофаза қилиш, унинг ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлатимизнинг доимий диққат эътиборида.

Олий Мажлис Сенати фаолиятида ҳам бу масала алоҳида ўрин тутди. Хусусан, Сенатнинг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари кўмитаси томонидан "Давлат тили ҳақида"ги Қонунинг Тошкент шаҳрида ижро этилиши ўрганиб чиқилди. Унинг натижалари бўйича Олий Мажлис Сенати Кенгашининг тегишли қарори қабул қилинди, ижроси бўйича мониторинг олиб борилмоқда. Жонли мулоқот тарзида ўтган тадбирда иштирокчилар давлат тилини янада тараққий топтириш, асраб-авайлаш, тилшуносликда бу борадаги илмий тадқиқотларни чуқурлаштириш бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Мафтуна АЗИЗОВА.

Ишонаманки, Ўзбекистоннинг Туркий кенгашига аъзо бўлиши туркий дунёга интеграцияни мустақамлашга хизмат қилади ва ҳамкорлик учун янги имкониятлар яратлади. Туркий кенгаш аъзо мамлакатларнинг ўзаро иқтисодий алоқаларини мустақамлашга интилаётгани айни дамда ғоят муҳим.


Шавкат МИРЗИЁЕВ

«БОКУ САММИТИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХАЛҚАРО МАЙДОНДАГИ НУФУЗИНИ ЯНАДА ОШИРДИ»

Ўзбекистон Республикасининг Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашига аъзо бўлиш ҳақидаги тарихий ҳужжати ҳамда Президент Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 15 октябрь куни Бокуда бўлиб ўтган ушбу тузилма саммитидаги иштироки хориж жамоатчилиги, оммавий ахборот воситаларида алоҳида эътироф этилмоқда.



"Report.az" янгиликлар порталида ёзишлари, Ўзбекистоннинг тузилмага аъзо бўлиши нафақат Озарбайжон, балки барча аъзо давлатлар томонидан илиқ ва мамнуният билан қабул қилинди. "Зеро, бу узоқ кутилган тарихий воқеадир" дейилди хабарда.



аҳолиси сони ва унинг интеллектуал салоҳияти бўйича республика минтақада етакчи ўринга эгалайди. Ўзбекистоннинг мавжуд имкониятлари ва салоҳияти Кенгаш фаолиятининг қўллаб-қувватлашга фаол иштирок этишига хизмат қилади. Натижада Кенгаш фаолиятининг самарадорлиги юксалиб, унга бўлган қизиқиш ортда ҳамда турли қўшма лойиҳалар миқдори кўпаяди", деб ёзади таҳлиличи.



Муносабат


ТУРКИЙ ТИЛЛИ ДАВЛАТЛАР ҲАМКОРЛИК КЕНГАШИ ЮКСАЛИШ БОСҚИЧИГА ҚАДАМ ҚўЙДИ

Ўзбекистон Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгаши саммитида илк бор тўла ҳуқуқий аъзо сифатида иштирок этди. Бу халқаро ҳамжамият томонидан тарихий воқеа ҳисобланади.

Албатта, юртимизнинг маърузу тузилма таркибига қўшилиши мамлакатимиз кенг жамоатчилиги томонидан ҳам катта мамнуният билан кутиб олинди. Бу борада биз парламент куйи палатаси депутатларининг фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.



Президент ташрифидан сўнг



СУРХОНДАРЁ ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ЖИҲАТДАН ЖОЗИБАДОР ВИЛОЯТГА АЙЛАНМОҚДА

Кейинги йилларда юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар тўғрисида сўз борганда, аввало, қишлоғу шаҳарлар, олис манзиллардаги бунёдкорлик ишлари, одамларни рози қилишга қаратилган эзгу юмушлар кўз олдимиздан ўтди. Бунинг биринчи сурхондарё вилоятида олиб борилаётган эзгу саяё-ҳаракатлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Зеро, бугун воҳа "Очиқ жануб" сифатида хорижий инвесторлар эътиборини тортмоқда.

Мисолларга мурожаат қилсак, ўтган йили Термиз шаҳрида ўтказилган биринчи халқаро бизнес форуми натижасида вилоятни ривожлантириш учун озиқ-овқат, тўқимачилик, қурилиш, чарм маҳсулотларини ишлаб чиқариш, мева-сабзавотларни қайта ишлаш, замонавий иссиқхона, интенсив боғ ташкил этиш, шунингдек, чинни буюмлар, ромлар, музқаймоқ, мева-сабзавотларни экспорт қилиш бўйича умумий қиймати 351 миллион долларга тенг бўлган 47 та инвестициявий, умумий ҳажми 217 миллион долларлик 44 та ташки савдо шартномаси имзоланган эди. Уларнинг ижроси доирасида 2018-2019 йиллар мобайнида вилоятга 100 миллион доллардан ортик тўғридан-тўғри хорижий сармоялар киритилди.



